



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 22 » noyabr

№ 705

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида кредит-модуль тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 10 июндаги 359-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг ўқув жараёнини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳамда юридик техникумларнинг рейтингини юритиш механизмини жорий этиш орқали уларда таълим сифатини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### **1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари (кейинги ўринларда – юридик техникумлар) рейтингини аниқлаш бўйича маълумотлар базасини ташкил қилиш, рейтинг индикаторлари учун балларни ҳисоблаш ҳамда рейтинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

адлия органлари томонидан юридик техникумлар битирувчиларига йўлланма бериш бўйича махсус комиссия фаолиятини ташкил қилиш, олий таълим ташкилотига ҳужжатларни топшириш, ўқишга қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ҳамда қабулни расмийлаштириш тартибини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари битирувчиларини “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари бакалавриятга ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. Белгилансинки, юридик техникумларнинг, шу жумладан, куйидаги йўналишлардаги фаолиятини қамраб олувчи рейтинг натижалари **ҳар янги ўқув йилига қабул бошлангунга қадар** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда уларнинг расмий веб-сайтлари орқали эълон қилинади:

ўқув ва илмий-методик фаолият, шу жумладан, таълим сифати;

рейтинг аниқланган йилда нуфузли халқаро ва республика фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва бошқа танловларда ғолиб бўлган (совринли ўринларни қўлга киритган) юридик техникум ўқувчилари улуши;

хорижий педагоглар, шунингдек, илмий даражали ҳамда чет тили ва фанларни билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган асосий штатдаги педагоглар ва ўқувчилар улуши;

иш билан таминланган битирувчилари ва олий таълим муассасаларига қабул қилинган ўқувчилари улуши.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – ТДЮУ) ҳузуридаги академик лицейга (кейинги ўринларда – академик лицей) ўқишга қабул қилиш ҳар йили 1 августга қадар Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали амалга оширилади, бунда тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ушбу мақсадлар учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

академик лицейга дарс машғулотларини, хусусан, онлайн режимда ўтказиш учун хорижий мутахассислар жалб қилинади ҳамда уларга иш ҳақи миқдори ТДЮУ томонидан мустақил белгиланади;

академик лицейда ва юридик техникумларда педагог ходимлар таркибида қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган лавозимлар билан биргаликда кафедра мудири, профессор, доцент лавозимлари ҳам жорий этилади ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари академик лицейда ТДЮУ томонидан, юридик техникумларда эса Адлия вазирлиги томонидан белгиланади;

ТДЮУ томонидан ташкил этиладиган ёки муассис сифатида иштирок этиладиган тижорат ва нотижорат ташкилотларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ҳамда уларнинг устав жамғармаси ва мулкани шакллантириш учун ТДЮУ Кенгаши томонидан белгиланган миқдорда бюджетдан ташқари (шу жумладан, тўлов-контракт ва табақалаштирилган контракт) маблағларни сарфлашга рухсат берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг куйидаги таклифларига розилик берилсин:

ТДЮУ бакалавриат таълим йўналишларига сиртки таълим шакли ҳамда иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга қабулни Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали амалга ошириш. Бунда, тест синовлари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади;

республикадаги олий таълим ташкилотларининг буюртмаларига кўра ТДЮУ магистратурасида базавий олий юридик маълумотга эга бўлган кадрларни мақсадли тайёрлаш учун кириш синовларисиз магистратурага қабул параметрларидан ташқари тўлов-контракт асосида қабул қилиш, шунингдек, ушбу ташкилотларга уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан контракт тўловларини амалга ошириш ҳуқуқини бериш. Бунда, ушбу кадрларга ўқишини тамомлаганидан сўнг буюртма берган олий таълим ташкилотларида шартнома асосида уч йил давомида тўлиқ ставкада узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

а) икки ой муддатда:

академик лицей ва юридик техникумларда мазкур қарор билан жорий этилаётган лавозимларнинг разрядлари (базавий тариф ставкалари, маошлари) ҳамда коэффицентлари миқдорлари белгиланишини таъминласин;

Давлат тест маркази билан биргаликда академик лицейга қабул қилиш учун тест синовларини ўтказиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “22” НОЯБР даги 705-сон қарорига  
1-илова

## **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юримдик техникумлари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юримдик техникумлари (кейинги ўринларда – юримдик техникумлар) рейтингини (кейинги ўринларда – рейтинг) аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Рейтинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Таълим инспекцияси) томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда – Адлия вазирлиги) билан биргаликда ҳар йили ҳолислик, ошқоралик ва адолат тамойилларига амал қилинган ҳолда аниқланади.

3. Юримдик техникумлар рейтингини аниқлаш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади.

### **2-боб. Рейтингни аниқлашнинг мақсад ва вазифалари**

4. Юримдик техникумлар орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уларнинг илмий-педагогик фаолияти даражаси ва сифатини оширишни рағбатлантириш, педагог ходимларнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ўқитиш сифати бўйича халқаро мезон ва стандартларга мувофиқ юқори кўрсаткичларга эришишга ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлашга замин яратиш рейтингни аниқлашнинг мақсади ҳисобланади.

5. Қуйидагилар рейтингни аниқлашнинг вазифалари ҳисобланади:

юримдик техникумлар фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бориш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни тайёрлаш;

юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш;

юримдик техникумларда кўрсатилаётган таълим хизматлари сифати, улардаги илмий ва ўқув-тарбия жараёнлари ҳамда имкониятлар ҳақида тегишли давлат органлари, кадрлар буюртмачилари ва кенг жамоатчиликни ҳолис ахборот билан таъминлаш;

юридик техникумларнинг дунёдаги рейтинги юқори бўлган таълим муассасалари билан ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг халқаро стандартларга мувофиқ юқори кўрсаткичларга эришишига кўмаклашиш.

### **3-боб. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш**

6. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш Таълим инспекцияси томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи чорагида амалга оширилади.

7. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш учун:

а) фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори, фан доктори (DSc) илмий даражаларига ҳамда илмий даражага эга бўлмайдиган доцент ёки профессор илмий унвонларига тасдиқланган юридик техникумлар педагог ходимлари томонидан ҳимоя қилинган диссертациялар тўғрисидаги маълумотлар – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан;

б) юридик техникум битирувчиларининг ишга жойлашганлиги тўғрисидаги маълумотлар – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан;

в) олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган юридик техникум битирувчиларининг сони тўғрисидаги маълумотлар:

давлат олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонларида қатнашиб ўқишга тавсия этилган битирувчилар сони бўйича – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан;

республикадаги нодавлат ҳамда хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиалларига ўқишга қабул қилинган битирувчилар сони бўйича – мазкур олий таълим ташкилотлари томонидан;

қўшма таълим дастурлари ва хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган битирувчилар сони бўйича – ТДЮУ томонидан;

г) чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги миллий сертификатга эга бўлган ўқувчилар ва ўқитувчилар сони бўйича – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан;

д) бошқа индикаторлар бўйича маълумотлар – ТДЮУ томонидан Таълим инспекциясига тақдим этилади.

8. Таълим инспекцияси томонидан маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида тегишли намунадаги жадваллар ишлаб чиқилади ва рейтинг аниқланаётган йилнинг 10 декабрига қадар ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ташкилотларга етказилади.

9. Юридик техникумларнинг рейтингни аниқлашга оид маълумотлар асословчи ҳужжатлари билан биргаликда 1 февралга қадар мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ташкилотлар томонидан Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтидаги махсус платформага (кейинги ўринларда – махсус платформа) жойлаштирилади. Таълим инспекцияси томонидан ушбу ташкилотларга махсус платформага кириш учун 25 январга қадар логин ва парол берилади.

Асословчи ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, маълумотлар рейтингни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

10. Маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида Таълим инспекцияси томонидан ушбу маълумотлар 1 апрелга қадар таҳлил қилинади ҳамда дастлабки ўрганилган маълумотлар танишиб чиқиш ва тасдиқлаш учун 10 апрелга қадар махсус платформага жойлаштирилади.

11. Маълумотлар юридик техникум директори имзоси ҳамда Тошкент давлат юридик университетининг (кейинги ўринларда – ТДЮУ) масъул проректори имзоси билан тасдиқланган ҳолда 1 майга қадар махсус платформага жойлаштирилади. Қўшимча киритиладиган рейтингни аниқлашга оид маълумотлар асословчи ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этилганда ҳисобга олинади.

Махсус платформа 1 майдан кейин ёпиб қўйилади ва унга қўшимча маълумотни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Махсус платформага жойлаштирилган маълумотларни асословчи ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда, Таълим инспекцияси томонидан ҳужжатнинг асли сўраб олинishi мумкин.

Ёлғон ёки нотўғри маълумотлар рейтингни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

12. Рейтингни аниқлаш жараёнида танлаш асосида белгиланган соҳа мутахассисликлари бўйича юридик техникум ўқувчилари учун мутахассислик фанларидан тест синовлари шаклида назорат ишлари ўтказилади.

Назорат ишлари ўтказиладиган соҳа мутахассисликлари ва фанлар рўйхати назорат ишларини ўтказиш муддатидан камида бир ой олдин Таълим инспекцияси ҳамда Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

13. Тест топшириқлари ўқувчилар учун иккита мутахассислик фанидан – 20 тадан жами 40 та саволдан иборат бўлади.

14. Тест синовларида ҳар бир тест саволи учун 2 дақиқадан, жами 80 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволи 2,5 балл билан баҳоланади.

15. Назорат ишлари ўтказиладиган ўқувчилар гуруҳлари Таълим инспекцияси томонидан аниқланади ва назорат ишлари ўтказилишидан камида уч кун олдин юридик техникумларга маълум қилинади.

Назорат ишларида танланган соҳа мутахассисликлари бўйича ўқувчиларнинг камида 30 фоизи иштирок этиши шарт.

Назорат ишлари ҳар ўқув йили охирида ўтказилади.

#### **4-боб. Рейтинг натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш**

16. Рейтингни аниқлашга оид тўпланган маълумотлар асосида Таълим инспекцияси томонидан юридик техникумлар рейтинги аниқланади.

Рейтинг балларини ҳисоблаш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган юридик техникумлар рейтингини аниқлаш мезонлари асосида амалга оширилади.

17. Таълим инспекциясига юридик техникумларнинг рейтингини аниқлашда ТДЮУ таълим сифатини назорат қилиш бўлими ҳамда юридик техникумларнинг таълим сифатини назорат қилиш бўлими кўмаклашади.

Таълим инспекцияси билан биргаликда ТДЮУ таълим сифатини назорат қилиш бўлими юридик техникумларнинг таълим сифатини назорат қилиш бўлими фаолиятини мувофиқлаштиради.

18. Рейтинг индикаторлари учун балларни ҳисоблаш куйидагича амалга оширилади:

тегишли рейтинг индикатори бўйича энг катта кўрсаткичга эга юридик техникумлар аниқланади;

энг катта кўрсаткичга эга бўлган юридик техникумларга ушбу индикатор учун белгиланган энг юқори балл берилади;

бошқа барча юридик техникумларнинг баллари мазкур индикатор бўйича энг юқори баллга эга бўлган юридик техникумларнинг кўрсаткичига нисбатан ҳисобланади;

ҳар бир индикатор бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси юридик техникумлар рейтингини белгилайди.

19. Рейтинг натижалари ҳар йили 1 августга қадар Таълим инспекцияси ва Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

20. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар Таълим инспекциясида 5 йил давомида сақланади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22. Махсус Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
юридик техникумлари рейтингини аниқлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари  
рейтингини аниқлашни ташкил этиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Таълим инспекцияси	Рейтингни аниқлаш мезонларига мос равишда жадваллар ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига етказиш.	Рейтинг аниқланаётган йилнинг 10 декабрига қадар
2-босқич	Олий аттестация комиссияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат тест маркази, олий таълим ташкилотлари, ТДЮУ  Таълим инспекцияси	1. Рейтингни аниқлашга оид маълумотларни асословчи хужжатлар билан биргаликда Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтидаги махсус платформага жойлаштириш.	Ҳар йили 1 февралга қадар
	ТДЮУ	2. Рейтингни аниқлашга оид маълумотларни таҳлил қилиш. 3. Рейтингни аниқлашга оид маълумотларни тасдиқлаш учун махсус платформага жойлаштириш. 4. Рейтингни аниқлашга оид маълумотларни тасдиқланган ҳолда махсус платформага жойлаштириш.	Ҳар йили 1 апрелга қадар Ҳар йили 10 апрелга қадар  Ҳар йили 1 майга қадар
3-босқич	Таълим инспекцияси  Таълим инспекцияси, Адлия вазирлиги	1. Рейтингни аниқлашга оид тўпланган маълумотлар ҳамда рейтингни аниқлаш мезонлари асосида юридик техникумлар рейтингини аниқлаш. 2. Рейтинг натижаларини Таълим инспекцияси ва Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш.	Ҳар йили 1 августга қадар



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
юридик техникумлари рейтингини аниқлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
юридик техникумлари рейтингини аниқлаш  
МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Рейтинг индикаторлари	Индикаторлар учун балларни ҳисоблаш методикаси	Балл
	<b>ЖАМИ:</b>		<b>100</b>
<b>I. Педагог ходимларнинг фаолияти ва салоҳияти</b>			<b>32</b>
1.	Педагог ходимлар таркибида илмий даражага (унвонга) эга бўлганларнинг улуши (асосий штатдагилар бўйича фоизда), шу жумладан:	<p>Педагог ходимларнинг илмий салоҳияти илмий даражали (шунингдек, илмий даражага эга бўлмаётган профессор илмий унвонини олган ёки унга тенглаштирилган) педагог ходимларнинг юридик техникумнинг асосий штатидаги педагог ходимлар умумий сонига нисбатан (фоизда) қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_1 = \frac{8P_1 + 7P_2}{P} * 100\%,$ <p>бунда:  <math>P</math> – юридик техникум асосий штатидаги педагог ходимларнинг умумий сони;  <math>P_1</math> – фан доктори (DSc) илмий даражасига эга (шунингдек, илмий даражага эга бўлмаётган профессор илмий унвонини олган ёки унга тенглаштирилган) педагог ходимлар сони (санъат, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда фахрий унвонга эга шахслар ҳам ҳисобга олинади);  <math>P_2</math> – фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга (шунингдек, илмий даражага эга бўлмаётган доцент илмий унвонини олган ёки унга тенглаштирилган) педагог ходимлар сони (санъат, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда фахрий унвонга эга шахслар ҳам ҳисобга олинади).</p>	15
	1.1 фан доктори, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга педагог – ходимлар улуши;	<p>фан доктори (DSc) илмий даражасига эга (шунингдек, илмий даражага эга бўлмаётган профессор илмий унвонини олган ёки унга тенглаштирилган) педагог ходимлар кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{1.1} = \frac{8P_1}{P},$ <p>бунда кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 8 (саккиз).</p>	8
	1.2 фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга педагог ходимлар улуши.	фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга (шунингдек, илмий даражага эга бўлмаётган доцент илмий унвонини	7

		<p>олган ёки унга тенглаштирилган) педагог ходимларнинг кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{1.2} = \frac{7P_2}{P},$ <p>бунда кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти – 7 (етти).</p>	
2.	<p><b>Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган асосий штатдаги педагоглар улуши:</b></p>	<p>Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган педагог ходимлар сони юридик техникумнинг асосий штатидаги педагог ходимлар умумий сонига нисбатан (фоизда) қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_2 = \frac{4P_3 + 6P_4}{P} * 100\%,$ <p>бунда:  <i>P</i> – юридик техникум асосий штатидаги педагог ходимларнинг умумий сони;  <i>P</i><sub>3</sub> – Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги миллий сертификатга эга бўлган педагог ходимлар;  <i>P</i><sub>4</sub> – чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги халқаро сертификатга эга бўлган педагоглар сони.</p>	10
	<p>2.1 чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги миллий сертификатга эга бўлган педагоглар сони;</p>	<p>Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги <b>миллий сертификатга</b> эга бўлган педагог ходимлар кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{2.1} = \frac{4P_3}{P},$ <p>бунда кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти – 4 (тўрт).</p>	4
	<p>2.2 чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги халқаро сертификатга эга бўлган педагоглар сони.</p>	<p>Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги <b>халқаро сертификатга</b> эга бўлган педагог ходимлар кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{2.2} = \frac{6P_4}{P},$ <p>бунда кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти – 6 (олти);</p>	6
3.	<p><b>Рейтингни аниқлаш йилида республика илмий журналларида ва маҳаллий илмий нашрларда (Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган журналларда) чоп этилган мақолалар (бир нафар педагог ходим ҳисобига), шу жумладан:</b></p>	<p>Республика ва маҳаллий илмий журналларда (ОАК рўйхатига киритилган) ҳисоб йилида чоп этилган мақолалар сони кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_3 = \frac{4C_1 + 3C_2}{P} * 100\%,$ <p>бунда:  <i>P</i> – юридик техникум асосий штатидаги педагог ходимларнинг умумий сони;  <i>C</i><sub>1</sub> – республика илмий журналларидаги мақолалар сони;</p>	7

		$C_2$ – маҳаллий илмий журналлардаги мақолалар сони.	
	3.1 республика илмий журналларидаги илмий мақолалар;	республика илмий журналларидаги мақолалар сони кўрсаткичи: $I_{3.1} = \frac{4C_1}{P},$ бунда кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 4 (тўрт).	4
	3.2 маҳаллий илмий нашрлардаги илмий мақолалар.	маҳаллий илмий журналлардаги мақолалар сони кўрсаткичи: $I_{3.2} = \frac{3C_2}{P},$ бунда кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 3 (уч).	3
<b>II. Ўқув-методик ишлар ва ўқитиш сифати</b>			<b>23</b>
4.	<b>Педагог ходимлар томонидан ёзиб тайёрланган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, шу жумладан:</b>	Юридик техникумлар педагог ходимлари томонидан рейтинги аниқланаётган йилда белгиланган тартибда тайёрланиб chop қилинган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари салмоғи кўрсаткичи формуласи: $I_4 = \left[ \frac{6S_1 + 4S_2}{P} \right] * 100\%,$ бунда: $P$ – юридик техникум асосий штатидаги педагог ходимларнинг умумий сони; $S_1$ – дарсликлар сони; $S_2$ – ўқув қўлланмалари сони.	10
	4.1 дарсликлар;	Дарсликлар кўрсаткичи формуласи: $I_{4.1} = \frac{6S_1}{P},$ бунда, кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 6 (олти).	6
	4.2 ўқув қўлланмалари.	Ўқув қўлланмалари кўрсаткичи формуласи: $I_{4.2} = \frac{4S_2}{P},$ бунда, кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 4 (тўрт).	4
5.	<b>Хорижий ўқитувчилар ва ўқувчилар улуши (тегишли равишда умумий сонга нисбатан фоизда), шу жумладан:</b>	Хорижий ўқитувчилар ва ўқувчилар улушини аниқлаш формуласи: $I_5 = \left[ \frac{4P_x}{P} + \frac{4T_x}{T} \right] * 100\%,$ бунда: $P$ – юридик техникумнинг асосий штатидаги педагог ходимларнинг умумий сони; $T$ – юридик техникумнинг кундузги бўлими ўқувчиларининг умумий сони; $P_x$ – хорижий ўқитувчилар сони; $T_x$ – хорижий ўқувчилар сони.	8
	5.1 хорижий ўқитувчилар;	Хорижий ўқитувчилар улуши: $I_{5.1} = \frac{4P_x}{P},$	4

		бунда, кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти – 4 (тўрт).	
	5.2 хорижий ўқувчилар.	Хорижий ўқувчилар улуши: $I_{5.2} = \frac{4T_x}{T},$ бунда, кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти – 4 (тўрт).	4
6.	<b>Хорижий таълим муассасалари билан конференциялар, семинарлар, илмий ёки ўқув лойиҳаларида ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг иштирок этганлиги, шу жумладан:</b>	Хорижий таълим муассасалари билан конференциялар, семинарлар, илмий ёки ўқув лойиҳаларида ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг иштирок этишини аниқлаш формуласи: $I_6 = \frac{3T_1}{T} + \frac{2P_6}{P},$ бунда: $T$ – юридик техникумнинг кундузги бўлим ўқувчиларининг умумий сони; $T_1$ – халқаро конференциялар, семинарлар, илмий ёки ўқув лойиҳаларида қатнашган талабалар сони; $P$ – юридик техникумнинг асосий штатидаги педагог ходимларнинг умумий сони; $P_6$ – халқаро конференциялар, семинарлар, илмий ёки ўқув лойиҳаларида қатнашган педагог ходимлар сони.	5
	6.1 халқаро конференциялар, семинарлар, илмий ёки ўқув лойиҳаларида ўқувчиларнинг иштироки;	Халқаро конференциялар, семинарлар, илмий ёки ўқув лойиҳаларида ўқувчиларнинг иштироки кўрсаткичи формуласи: $I_{6.1} = \frac{3T_1}{T},$ бунда, кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти – 3 (уч).	3
	6.2 халқаро конференциялар, семинарлар, илмий ёки ўқув лойиҳаларида педагог ходимларнинг иштироки.	Халқаро конференциялар, семинарлар, илмий ёки ўқув лойиҳаларида педагог ходимларнинг иштироки кўрсаткичи формуласи: $I_{6.2} = \frac{2P_6}{P},$ бунда, кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти – 2 (икки).	2
<b>III. Ўқувчилар билими ва битирувчилар сифати</b>			<b>45</b>
7.	<b>Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган ўқувчилар улуши:</b>	Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган ўқувчиларнинг сони юридик техникумнинг кундузги бўлими ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан (фоизда) куйидаги формула билан аниқланади: $I_7 = \frac{4T_2 + 6T_3}{T} * 100\%,$ бунда: $T$ – юридик техникумнинг кундузги бўлим ўқувчиларнинг умумий сони;	10

		<p><math>T_2</math> – чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги миллий сертификатга эга бўлган ўқувчилар сони;</p> <p><math>T_3</math> – чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги халқаро сертификатга эга бўлган ўқувчилар сони.</p>	
	7.1 миллий сертификатга эга бўлган ўқувчилар сони;	<p>Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги <b>миллий сертификатга</b> эга бўлган ўқувчилар кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{7.1} = \frac{4T_2}{T},$ <p>бунда, кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти – 4 (тўрт).</p>	4
	7.2 халқаро сертификатга эга бўлган ўқувчилар сони.	<p>Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги <b>халқаро сертификатга</b> эга бўлган ўқувчилар кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{7.2} = \frac{6T_3}{T},$ <p>бунда, кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти – 6 (олти).</p>	6
8.	<b>Битирувчиларнинг ишга жойлашиш даражаси (битирганидан сўнг 1 йил ичида)</b>	<p>Юридик техникумни битирганидан сўнг 1 йил ичида (мутахассислиги бўйича) ишга жойлашган битирувчилар улуши кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланади:</p> $I_8 = \frac{8T_4}{T_5} * 100\%,$ <p>бунда:  <math>T_4</math> – ишга жойлашган битирувчилар сони;  <math>T_5</math> – ҳисоб йилида юридик техникумни битирган битирувчилар сони.</p>	8
9.	<b>Битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш даражаси:</b>	<p>Юридик техникум битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш даражаси кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланади:</p> $I_9 = \frac{3T_6 + 4T_7}{T} * 100\%,$ <p>бунда:  <math>T</math> – юридик техникумнинг кундузги бўлими битирувчиларининг умумий сони;  <math>T_6</math> – хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кирган битирувчилар сони;  <math>T_7</math> – мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига грант асосида ўқишга кирган битирувчилар сони.</p>	7
	9.1 хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кириш даражаси;	<p>хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кириш даражаси қуйидагича аниқланади:</p> $I_{9.1} = \frac{3T_6}{T},$ <p>бунда, кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти – 3 (уч).</p>	3

	<p>9.2 мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига ўқишга кириш даражаси.</p>	<p>мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига ўқишга кириш даражаси куйидагича аниқланади:</p> $I_{9.2} = \frac{4T_7}{T},$ <p>бунда, кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти – 4 (тўрт).</p>	<p>4</p>
<p>10.</p>	<p><b>Халқаро ва республика олимпиадаларида, нуфузли танловларда, фан ва спорт мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритган ҳамда мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган ўқувчилар салмоғи, шу жумладан:</b></p>	<p>Халқаро ва республика олимпиадаларида, нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ҳамда мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган ўқувчилар салмоғи куйидаги формула бўйича аниқланади:</p> $I_{10} = \frac{6T_8 + 4T_9}{T} * 100\%,$ <p>бунда:  <math>T</math> – юридик техникумнинг кундузги бўлим ўқувчиларнинг умумий сони;  <math>T_8</math> – халқаро олимпиадаларда, нуфузли танловларда (юридик техникум мутахассисликлари бўйича) совринли ўринларни қўлга киритган ҳамда мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган ўқувчилар сони;  <math>T_9</math> – республика олимпиадаларида, нуфузли танловларда (юридик техникум мутахассисликлари бўйича) совринли ўринларни қўлга киритган ҳамда мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган ўқувчилар сони.</p>	<p>10</p>
	<p>10.2 халқаро миқёсда;</p>	<p>Халқаро олимпиадаларда, нуфузли танловларда (юридик техникум мутахассисликлари бўйича) совринли ўринларни қўлга киритган ҳамда мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган ўқувчилар улуши кўрсаткичи куйидагича аниқланади:</p> $I_{10.1} = \frac{6T_8}{T},$ <p>бунда, кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти – 6 (олти).</p>	<p>6</p>
	<p>10.1 республика миқёсида.</p>	<p>Республика олимпиадаларида, нуфузли танловларда (юридик техникум мутахассисликлари бўйича) совринли ўринларни қўлга киритган ҳамда мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган ўқувчилар улуши кўрсаткичи куйидагича аниқланади:</p> $I_{10.1} = \frac{4T_9}{T},$ <p>бунда, кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти – 4 (тўрт).</p>	<p>4</p>
<p>11.</p>	<p><b>Ўқувчилар билим даражаси (назорат ишлари асосида)</b></p>	<p>Ўқувчиларнинг мутахассислик фанлари бўйича билим даражаси кўрсаткичи куйидаги формула билан аниқланади</p> $I_{11} = \frac{10T_{10}}{T_{11}} * 100\%,$	<p>10</p>

		бунда: $T_{10}$ – ижобий баҳоланган ўқувчилар сони; $T_{11}$ – тест синовларда иштирок этган ўқувчилар сони.	
--	--	---	--

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “22” ноябр даги 705-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари  
битирувчиларини “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик  
кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари  
бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом ҳудудий адлия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари (кейинги ўринларда – юридик техникумлар) битирувчиларига йўлланмалар бериш, абитуриентларни “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи давлат олий таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – олий таълим ташкилотлари) бакалавриатига тест синовларисиз якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали бакалаврларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ўқишга қабул қилиш ҳамда ўқиш тугагандан сўнг олий таълим ташкилотлари бакалавриати битирувчиларининг тақсимотга мувофиқ узлуксиз ишлаб беришини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**абитуриент** – олий таълим ташкилотлари бакалавриатига тест синовларисиз якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали бакалаврларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури асосида ҳудудий адлия органи йўлланмаси бўйича кираётган юридик техникум битирувчиси;

**масъул вазирликлар ва идоралар** – бўйсинувида олий таълим ташкилотлари бўлган тегишли вазирликлар ва идоралар;

**махсус комиссия** – ҳар йили ҳудудий адлия органи бошлиғининг буйруғи билан ташкил этиладиган юридик техникумлар битирувчиларига йўлланмалар бериш масаласини кўриб чиқувчи комиссия;

**олий таълим ташкилотлари қабул комиссияси** – ҳар йили олий таълим ташкилотлари ректорлари буйруғи билан ташкил этиладиган олий таълим ташкилотлари бакалавриатига қабулни ташкил этишни, шу жумладан, абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилиш ва уларга маслаҳат хизматлари кўрсатишни амалга оширувчи комиссия;

**суҳбат комиссияси** – олий таълим ташкилотлари бакалавриатига қабул қилиш учун абитуриентлар билан якка тартибда суҳбат ўтказиш мақсадида олий таълим ташкилотлари тақдимотида асосан масъул вазирликлар ва идоралар раҳбарининг буйруғи билан ташкил этиладиган комиссия;



**тақсимот комиссияси** – битирувчиларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек, узлуксиз ишлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг буйруғи билан уларнинг масъул ходимлари, ҳудудий адлия органлари ва олий таълим ташкилотлари раҳбар ходимларидан иборат таркибда ташкил этиладиган комиссия;

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари битирувчиларига ҳудудий адлия органлари томонидан берилган йўлланмаларнинг ягона реестри** (Йўлланмалар ягона реестри) – ҳудудий адлия органлари томонидан берилган йўлланмалар ҳақидаги маълумотларни автоматлаштирилган тарзда йиғиш (киритиш), қайта ишлаш, янгилаш, сақлаш ва таҳлил қилишга мўлжалланган ахборот тизими;

**ҳудудий адлия органлари** – Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари.

3. Олий таълим ташкилотлари бакалавриатига абитуриентларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Юридик техникумлардаги таълим шаклидан қатъи назар, олий таълим ташкилотлари бакалавриатининг кундузги, сиртқи ва кечки (сменали) таълим шаклларига абитуриентларни қабул қилиш қабул параметрларидан ташқари тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Бунда, ҳар бир олий таълим ташкилоти бўйича ўринлар сони ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ юридик техникумлар битирувчиларига бериладиган йўлланмалар тақсимотига мос равишда белгиланади.

5. Олий таълим ташкилотлари бакалавриатига ўқишга қабул қилиш белгиланган тартибда ўтказиладиган якка тартибдаги суҳбат натижаларига кўра олий таълим ташкилотлари ректорининг буйруғи асосида амалга оширилади.

6. Якка тартибдаги суҳбатда қуйидагилар аниқланади:

мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш (давлат ва жамият қурилиши, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, шунингдек, ижтимоий соҳа ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлар ҳақида тасаввур ва фикрлаш қобилиятининг мавжудлиги);

ихтисосликни танлашда мотивация (ҳуқуқшунос касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш билдириш);

шахсий-касбий хусусиятлар (ўқишга қобилият, касбий вазифаларни ҳал қилишда амалий фаолият, интизомлилик, ҳамжиҳатлик, масъулиятлилик, қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси, шунингдек, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятлари);

юриспруденция соҳасидаги билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлиги (профессional таълими даражасида юриспруденция соҳасида ўз фикрини баён қилиш ва таҳлил қилиш кўникмаларининг мавжудлиги).

## **2-боб. Худудий адлия органлари томонидан юридик техникумлар битирувчиларига йўлланмалар бериш**

7. Махсус комиссия ҳар йили, қоида тариқасида, тегишли ўқув йилининг 10 июнидан кечикмай 7 нафар кишидан иборат таркибда тузилади. Махсус комиссия таркибига адлия органлари ва муассасалари ходимлари киритилади.

Махсус комиссия таркибига келишув асосида бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Йўлланма олиш учун кўзи ожиз абитуриент мурожаат этганида, махсус комиссия таркибига Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вакили киритилади.

Махсус комиссия ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Худудий адлия органлари бошлиқлари лавозими бўйича махсус комиссиянинг раиси ҳисобланади.

Махсус комиссияга комиссиянинг бошқа аъзолари фаолиятини ўзаро умумий мувофиқлаштирувчи раис бошчилик қилади. Махсус комиссия фаолиятини ташкилий таъминлаш унинг котибига юкланади.

8. Юридик техникумлар битирувчилари ҳар йили 20 июндан кечикмай махсус комиссияга йўлланма беришни сўраб онлайн платформа орқали ариза билан мурожаат қилади.

Бунда, мазкур Низомга 2-иловада кўрсатилган барча олий таълим ташкилотларида ўқиш учун йўлланма сўраб мурожаат қилиш мумкин. Юридик техникумлар битирувчилари онлайн платформада ўзлари учун устувор ҳисобланган олий таълим ташкилотларини кетма-кетликда танлайди.

Махсус комиссия фақат комиссия ташкил этилган тегишли ўқув йили битирувчиларининг аризаларини кўриб чиқади.

9. Аризага мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган йўлланма олиш учун минимал талабларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар махсус онлайн платформага ҳар бир ўқувчи ва техникумнинг масъул ходимлари томонидан бутун ўқиш даврида юклаб борилади ҳамда ўқувчининг портфолиоси шакллантирилади. Онлайн платформада мавжуд бўлмаган ҳужжатларни аризага илова қилиш ман этилади.

Онлайн платформани юритиш регламенти Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

10. Махсус комиссия ҳар йили 20 июндан 30 июнга қадар юридик техникумлар битирувчиларининг аризаларини кўриб чиқади.

Аризалар Махсус комиссия мажлисларида кўриб чиқилади.

11. Махсус комиссиянинг мажлислар ўтказиш жадвали ҳудудий адлия органлари бошлиқлари буйруғи билан тасдиқланади. Мажлисга таклиф этилган юридик техникумлар битирувчилари рўйхати буйруққа илова қилинади.

12. Мажлислар ўтказиш жадвали юридик техникумнинг расмий веб-сайтида, қоида тариқасида, мажлис бошланишига камида бир ҳафта қолганда эълон қилинади.

13. Махсус комиссия мажлиси, қоида тариқасида, юридик техникум биноларида ўтказилади. Махсус комиссия мажлиси комиссия аъзоларининг барчаси иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

14. Махсус комиссия мажлисида юридик техникум битирувчиси юксак ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, шунингдек, маънавий-ахлоқий фазилатларини аниқлаш учун танловдан ўтади. Бунда, комиссия такдим этилган ҳужжатлар бўйича қўшимча саволлар бериши мумкин. Танловни ўтказиш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Танлов жараёни реал вақт режимида (онлайн) кузатиб борилишини таъминлайдиган хонада ўтказилади.

15. Йўлланма бериш масаласи кўриб чиқиладиганда, махсус комиссия қуйидаги асосий минимал талабларни ҳисобга олади:

а) ўқувчи кундузги таълим шаклида ўқиганда:

юридик техникум битирувчисининг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи рейтинг натижалари бўйича 71 ва ундан ортиқ фоизни ташкил қилиши керак;

битирувчининг чет тилини В2 ва ундан юқори даражада билишини тасдиқловчи амалдаги давлат малака сертификатига ёки халқаро сертификатга эга эканлиги;

юридик техникум битирувчисининг маънавий-маърифий ва жамоат ишлари, лойиҳалар ва танловларда фаол иштирок этиши, шахсий ютуқлар мавжудлиги (тегишли ташкилотнинг биринчи раҳбари, биринчи навбатда юридик техникум директори томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида);

юридик техникум битирувчисининг юридик техникумда ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши ва намунали хулқ-атворга эгалиги;

б) ўқувчи сиртқи ёки масофавий таълим шаклларида ўқиганда:

юридик техникум битирувчисининг умумий ўзлаштириш кўрсаткичи рейтинг натижалари бўйича 85 ва ундан ортиқ фоизни ташкил қилиши керак;

битирувчининг чет тилини В2 ва ундан юқори даражада билишини тасдиқловчи амалдаги давлат малака сертификатига ёки халқаро сертификатга эга эканлиги;

юридик техникум битирувчисининг юридик техникумда ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши ва намунали хулқ-атворга эгалиги.

Мазкур бандда кўрсатилган асосий минимал талабларга тегишли масалаларни кўриб чиқишда битирувчининг юридик техникумдаги бутун ўқиш даври ҳисобга олинади.

Ушбу асосий минимал талабларга жавоб бермаган битирувчилар танловда иштирок этмайди.

16. Танловда иштирок этган битирувчилар жами 150 балл билан қуйидагича баҳоланади:

тақдим этилган ҳужжатлар учун – 100 баллгача;

ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, шунингдек, маънавий-ахлоқий фазилатларини аниқлаш учун – 50 баллгача.

17. Танлов натижаси бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга юридик техникум битирувчиси ўзи биринчи танлаган олий таълим ташкилотига йўлланма олишга даъвогар бўлади.

Қолган битирувчилар мазкур Низомга 2-иловада белгиланган олий таълим ташкилотлари бўйича махсус электрон дастур орқали ўзи танлаган олий таълим ташкилотларидан бирига устуворлиги бўйича баллар кетма-кетлигида тақсимланади.

18. Махсус комиссиянинг юридик техникум битирувчисига йўлланма бериш ёки йўлланма беришни рад этиш ҳақидаги қарори мажлисда иштирок этган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ҳамда уларнинг ҳар бир номзод бўйича хулосаси комиссия мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Махсус комиссия мажлиси баённомаси мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланиб, раис томонидан тасдиқланади.

19. Махсус комиссиянинг қарори асосида йўлланма оладиган юридик техникум битирувчилари рўйхатини кўрсатган ҳолда ҳудудий адлия органи бошлиғи буйруғи расмийлаштирилади.

Бунда, юридик техникум битирувчисига йўлланма бериш ҳақида қабул қилинган қарор ҳолислиги учун шахсий жавобгарлик ҳудудий адлия органи бошлиғи зиммасига юкланади.

20. Юридик техникумларнинг битирувчиларига бериладиган йўлланмалар “юриспруденция” мутахассислигида юридик кадрларни тайёрловчи олий таълим ташкилотлари бўйича мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ тақсимланади.

21. Йўлланма бериш ҳақидаги буйруқлар бир кун ичида фельдъегерлик хизмати орқали Йўлланмалар ягона реестрига тегишли маълумотларни киритиш учун Адлия вазирлигига юборилади.

Адлия вазирлиги Йўлланмалар ягона реестрини юритишга масъул ҳисобланади.

### **3-боб. Йўлланма берилган битирувчилар ҳужжатларини олий таълим ташкилотларига қабул қилиш**

22. Абитуриентларни қабул қилиш параметрлари ҳақидаги маълумот, олий таълим ташкилотлари расмий веб-сайтига қабул параметрларига оид ҳужжат қабул қилинганидан кейин беш кундан кечикмасдан жойлаштирилади.

23. Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари олий таълим ташкилотлари қабул комиссияси томонидан 5–25 июль кунлари қабул қилинади.

24. Олий таълим ташкилотлари бакалавриятга қабул қилиш учун ҳужжатлар Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тақдим этилади.

Абитуриентлар реал вақт режимида олий таълим ташкилоти ректори номига ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризани мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ электрон шаклда тўлдиради.

25. Қабул қилиш тўғрисидаги электрон аризага диплом ва унинг иловаси электрон шаклда илова қилинади.

Аризага илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат ҳақиқийлиги сақланишини таъминловчи (ҳар бир дюймга 200 нуқтадан кам бўлмаган) алоҳида файл кўринишида бўлиши керак. Ҳар бир файл ўлчами 10 Мбдан ошмаслиги лозим.

Аризани ҳужжатлар “PDF” (portable document format) форматида сканер қилинган нусхалари кўринишида илова қилинган ҳолда жўнатишга йўл қўйилади.

26. Агар барча зарур ҳужжатлар мазкур Низомнинг 23–25-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ тақдим этилган ва Йўлланмалар ягона реестрида йўлланма мавжуд бўлган тақдирда, 72 соат ичида ҳужжатларни қабул қилиш бўйича тегишли дастурий таъминот томонидан автоматик равишда ноёб рақам бериш орқали ариза рўйхатга олинади ҳамда абитуриентга белгиланган муддатда ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиш ҳақида аризада кўрсатилган электрон почта манзили ёки телефон рақами бўйича тегишли хабарнома (смс хабарнома) юборилади.

Ҳужжатлар қабул қилинган вақт ариза учун ноёб рақам олинган вақт ҳисобланади.

27. Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича абитуриентлардан электрон шаклда ҳужжатларни қабул қилиш бўйича тегишли дастурий таъминотларнинг Йўлланмалар ягона реестри билан интеграция қилинган ҳолда ишлашини таъминлаш олий таълим ташкилотлари буюртмасига мувофиқ Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

28. Агар тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низомнинг 23–25-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган ва Йўлланмалар ягона реестрида йўлланма мавжуд бўлмаган тақдирда, 72 соат ичида аризада кўрсатилган электрон почта манзил ёки телефон рақами бўйича абитуриентга тегишли хабарнома (смс-хабарнома) юборилади. Бунда, абитуриентга кўрсатиб ўтилган камчиликларни тузатиш ва ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар уларни такроран тақдим этиш имконияти берилади.

Ҳужжатлар қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугагандан сўнг ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш қатъиян ман қилинади.

29. Рўйхатга олинган қабул қилиш тўғрисидаги аризалар сони ҳар куни олий таълим ташкилотлари расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

#### **4-боб. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш**

30. Якка тартибдаги суҳбат 10–25 август кунлари 7 нафар кишидан иборат таркибда тузиладиган суҳбат комиссияси томонидан ўтказилади.

Холисона сабабларга кўра ушбу муддатларда суҳбат ўтказиш имконияти бўлмаса, олий таълим ташкилотлари якка тартибдаги суҳбат ўтказиш муддатини ўзгартириши мумкин. Бунда, абитуриентлар белгиланган муддатдан камида бир ҳафта олдин якка тартибдаги суҳбат ва уни ўтказиш жадвали ҳақида хабардор қилинади.

Якка тартибдаги суҳбат жараёни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали онлайн трансляция қилинади.

31. Суҳбат комиссияси таркибига масъул вазирликлар ва идоралар ҳамда олий таълим ташкилотлари ходимлари киритилади.

Суҳбат комиссияси таркибига келишув асосида бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Якка тартибдаги суҳбатда кўзи ожиз абитуриент қатнашаётган тақдирда, суҳбат комиссияси таркибига Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вакили киритилади.

Махсус комиссия таркибига киритилган шахсларнинг суҳбат комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

Суҳбат комиссияси ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Суҳбат комиссиясига комиссиянинг бошқа аъзолари фаолиятини ўзаро умумий мувофиқлаштирувчи раис бошчилик қилади. Суҳбат комиссияси фаолиятини ташкилий таъминлаш унинг котиби зиммасига юкланади.

32. Якка тартибдаги суҳбат ўтказилишига қадар маслаҳатлар ташкил этилади, маслаҳатлар жадвали олий таълим ташкилотлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

33. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш учун бино ва аудиторияларни тайёрлашни ташкил этиш учун жавобгарлик олий таълим ташкилотлари қабул комиссияси масъул котиби зиммасига юкланади.

34. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвали олий таълим ташкилотлари расмий веб-сайтида, қоида тариқасида, суҳбат бошланишидан беш кун олдин жойлаштирилади.

35. Якка тартибдаги суҳбат олий таълим ташкилотларидаги таълим тилларида ўтказилади. Якка тартибдаги суҳбат тили абитуриентнинг ўзи томонидан аниқланиб, унинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризасида кўрсатилади.

36. Абитуриентлар якка тартибдаги суҳбатдан ўтишлари учун навбат билан киритилади. Якка тартибдаги суҳбатдан олдин абитуриент паспорт ёки унинг ўрнини босувчи хужжатни кўрсатиши шарт.

37. Абитуриентнинг якка тартибдаги суҳбатга уяли телефон ва бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, луғат, китоб ва шпаргалкалар олиб кириши ва фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

38. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш давомида суҳбат комиссияси томонидан абитуриентга мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда саволлар берилади.

Тасдиқланган саволлар рўйхати олий таълим ташкилотларининг расмий веб-сайтига якка тартибдаги суҳбат бошланишидан камида бир ой олдин жойлаштирилади.

Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш давомида абитуриентга қўшимча саволлар берилиши мумкин. Битта абитуриент билан якка тартибдаги суҳбат 30 дақиқагача давом этади.

Мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган йўналишлар бўйича саволлар абитуриент томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус электрон дастур орқали тасодифий равишда танланади.

Абитуриент томонидан тасодифий равишда танланган саволлар комиссия масъул котиби томонидан суҳбат ўтказилаётган хонадаги принтерда чоп этилади ва абитуриентга тақдим қилинади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари 100 баллик тизимда баллар қўйиш йўли билан баҳоланади. Мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳар бир мезон бўйича максимал балл 25 баллни ташкил этади.

39. Якка тартибдаги суҳбат натижаларини аниқлаш учун суҳбат комиссиясининг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил ҳолда мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги баҳолаш варақасини тўлдиради ва уни суҳбат комиссияси котибига тақдим этади. Суҳбат комиссияси котиби абитуриентга суҳбат комиссияси аъзолари томонидан қўйилган ўртача баллни ҳисоблаб чиқади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари рейтинг тизими бўйича, абитуриентга қўйилган баллар (0 дан 100 гача оралиқда) асосида аниқланади.

Суҳбат комиссияси баённомасида абитуриентлар рўйхати белгиланган параметрларга мувофиқ камайиб бориш тартибида, энг юқори балл олган абитуриентдан бошлаб жойлаштирилади.

40. Якка тартибдаги суҳбат жараёни ва натижалари суҳбат комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланадиган ва раис томонидан тасдиқланадиган баённомада қайд этилади.

Якка тартибдаги суҳбат жараёни ва натижаларини қайд этишда видео ва аудиоёзувлардан фойдаланилади.

41. Суҳбат натижалари олий таълим ташкилотлари расмий веб-сайтида суҳбат ўтказилгандан сўнг кейинги иш кунида эълон қилинади.

42. Абитуриентларни қабул қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

жадвал бўйича якка тартибдаги суҳбатга келмаганда (0 балл қўйилади);

якка тартибдаги суҳбатда белгиланган максимал баллнинг 70 фоизи ва ундан кам балл тўпланганда.

43. Олий таълим ташкилотлари бакалавриятига абитуриентларни қабул қилиш учун якка тартибдаги суҳбатни қайта ўтказишга йўл қўйилмайди.

44. Якка тартибдаги суҳбат натижалари юзасидан масъул вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг буйруғи билан абитуриентларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркибига тегишли фанлар бўйича экспертлар, шикоят кўзи ожиз абитуриент томонидан берилганда эса Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вакили ҳам киритилади.

Махсус комиссия ва суҳбат комиссияси таркибига киритилган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

Апелляция комиссияси унинг аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссияси фаолиятига умумий раҳбарликни унинг раиси амалга оширади, комиссия баённомалари котиб томонидан расмийлаштирилади.



45. Якка тартибдаги суҳбат натижаларидан норози бўлган абитуриент Апелляция комиссиясига суҳбат натижаси эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида ёзма тартибда апелляция бериш ҳуқуқига эга.

46. Апелляция комиссияси тақдим этилган апелляцияни у тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида кўриб чиқади. Апелляция кўриб чиқиладиган кун ҳақида абитуриентга хабар берилади.

47. Апелляция комиссияси томонидан апелляция фақат абитуриент иштирокида, суҳбат жараёни ёзиб олинган видеотасвир асосида кўриб чиқилади.

48. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси:

эътироз асосиз бўлса, апелляцияни қаноатлантиришни рад этади ва суҳбат натижаларини ўзгаришсиз қолдирилади;

эътироз асосли бўлса, апелляцияни қаноатлантиради ва суҳбат натижаларига ўзгартириш киритади.

49. Якка тартибдаги суҳбатдан муваффақиятли ўтган абитуриентлар қабул комиссиясига якка тартибдаги суҳбат ўтказилган вақтдан бошлаб уч кун мобайнида ҳужжатларнинг аслини тақдим этади.

Ҳужжатларда, шу жумладан, электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатларда сохталаштириш ва қалбакилаштириш аниқланган тақдирда, абитуриент якка тартибдаги суҳбатдан четлаштирилади (олий таълим ташкилотлари талабалар сафидан четлаштирилади), ҳужжатлари эса белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга юборилади.

50. Суҳбат натижалари 30 августга қадар абитуриентларни бакалавриятга қабул қилиш учун олий таълим ташкилотларига юборилади.

### **5-боб. Олий таълим ташкилотларига қабул қилишни расмийлаштириш, ўқиш учун тўловни амалга ошириш**

51. Олий таълим ташкилоти бакалавриятга қабул қилиш тўғрисидаги ректор буйруғи, қоида тариқасида, 5 сентябрдан кечиктирмасдан қабул қилинади.

52. Белгиланган намунадаги шартнома бланкалари олий таълим ташкилоти ректори буйруғи қабул қилинган кундан бошлаб берилади, олий таълим ташкилоти ректори ва бош бухгалтери имзоси билан юридик шахслар учун 3 нусхада ва жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади ҳамда ўқишга қабул қилинган абитуриентга дарсларга қатнашишга рухсат этилади.

Ўқишга қабул қилинган абитуриентлар учун тўловлар ҳар йили шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

53. Олий таълим ташкилотлари бакалавриатига ҳудудий адлия органларининг йўлланмаларига кўра ўқишга қабул қилинган талабалар махсус уч йиллик дастур бўйича таълим оладилар. Бунда, улар ўқишни 2-курсдан давом эттирадилар.

### **6-боб. Тақсимотга мувофиқ олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг узлуксиз ишлаб беришини ташкил этиш**

#### **1-§. Битирувчиларни узлуксиз ишлаб бериш учун тақсимлаш**

54. Олий таълим ташкилотлари бакалавриати битирувчиларини (кейинги ўринларда – битирувчи) узлуксиз ишлаб бериш учун тақсимлаш ҳар йили тақсимот комиссиялари томонидан давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган аризаларга асосан амалга оширилади.

55. Тақсимлаш жараёнида тақсимот комиссиялари битирувчининг рейтинг натижаларини, оилавий ҳолатини ва таклиф этилган иш ўрнида ишлаш хоҳишини ҳисобга олади. Энг юқори рейтинг натижасига эга бўлган битирувчилар ўз танлови бўйича мавжуд иш ўринларига ишга жойлашишда биринчи навбатда талабгор бўлади.

Тақсимот комиссиялари томонидан битирувчиларни олий таълим ташкилотларида ўқиш учун йўлланма берилган ҳудуддаги тегишли ташкилотлардаги бўш иш ўринларига узлуксиз ишлаб бериш учун тақсимлаш амалга оширилади.

56. Тақсимот комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартиби масъул вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланади.

57. Битирувчи магистратурага ўқишга кирганда уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти мазкур Низомга мувофиқ магистратурани тамомлагандан сўнг бошланади.

58. Битирувчиларни ишга тақсимлаш, қоида тариқасида, битирувчи ўқишни тамомлагандан сўнг, бир ойдан кечиктирмай амалга оширилади.

59. Тақсимот комиссиялари қарорлари комиссия мажлисларида қабул қилинади ва баённома шаклида расмийлаштирилади ҳамда қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш кунидан кечикмай фельдъегерлик хизмати орқали Ишга жойлашиш учун йўлланмалар ягона реестрига тегишли маълумотларни киритиш учун ҳудудий адлия органларига юборилади.

60. Ишга жойлашиш учун йўлланмалар ягона реестрига тегишли маълумотлар киритилганидан кейин ҳудудий адлия органи, тегишли ташкилот – иш берувчи, олий таълим ташкилотлари ва битирувчи ўртасида узлуксиз ишлаб беришнинг аниқ шартларини ҳамда битирувчининг мажбуриятларини аниқ белгилаб берувчи тўрт томонлама шартнома 4 нусхада тузилади.

Шартнома намунаси белгиланган тартибда масъул вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланади.

61. Олий таълим ташкилотлари тақсимот комиссиясининг битирувчини ишга тақсимлаш ҳақидаги қарори қабул қилингандан сўнг уч кундан кечиктирмай ишга юборилаётган ҳар бир битирувчига олий маълумот тўғрисидаги дипломдан кўчирма беради.

## **2-§. Битирувчиларни ишга қабул қилиш ва уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил қилиш**

62. Битирувчилар ишга тақсимланганидан кейин бир ойдан ошмаган муддатда тўрт томонлама шартномада кўрсатилган иш жойида ҳозир бўлишлари ва меҳнат фаолиятини бошлашлари шарт.

63. Иш берувчи тўрт томонлама шартномага ва ишга йўлланмага мувофиқ битирувчи билан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузади.

64. Иш берувчи битирувчи иш жойида ҳозир бўлиб, меҳнат фаолиятини бошлаганидан сўнг беш кун муддат ичида Ишга жойлашиш учун йўлланмалар ягона реестрига бу ҳақида тегишли маълумот киритади.

Олий таълим ташкилотлари битирувчининг ишга келгани ва жойлашгани ҳақидаги маълумотлар Ишга жойлашиш учун йўлланмалар ягона реестрига киритилганидан сўнг ҳар бир битирувчи ҳисобини юритиб бориши шарт.

65. Битирувчининг уч йиллик узлуксиз ишлаб бериш муддати қуйидагиларни ўз ичига олади:

йўлланма берилган ҳудуддаги турли ташкилотларда ва лавозимларда ишлаш муддати;

муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташ муддатлари.

Ижтимоий меҳнат таътили муддати уч йиллик узлуксиз ишлаб бериш муддатига киритилмайди.

66. Тақсимот бўйича узлуксиз ишлаб беришга юборилган битирувчи ишга жойлашгандан сўнг иш берувчи унга тегишли меҳнат шароитларини яратади, зарур ҳолларда турар жой билан таъминлаш чораларини кўради.

67. Битирувчининг уч йиллик узлуксиз ишлаб бериш муддати тугагандан сўнг ишни давом эттириш ҳақидаги масала меҳнат соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иш берувчи ва ходим ўртасида ўзаро келишувга асосан ҳал этилади.

68. Битирувчи узлуксиз ишлаб бериш муддати давомида у тақсимот бўйича юборилган ташкилот тугатилса, меҳнат шартномаси (контракт) иш

берувчининг ташаббуси билан бекор қилинса, битирувчи ҳудудий адлия органини уч кун ичида хабардор қилиши шарт. Ҳудудий адлия органининг мурожаати бўйича тақсимот комиссияси тегишли ҳудуддаги бошқа ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринларига улар тақдим этган талабномалар асосида битирувчини тақсимлашни амалга оширади.

69. Ушбу Низомга мувофиқ узлуксиз ишлаб бериш учун тақсимланган битирувчида узлуксиз ишлаб бериш жойини ўзгартириш учун асосли сабаблар вужудга келган тақдирда (никоҳ тузиш, доимий яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб кетиш ва бошқалар) битирувчи тақсимот комиссиясига узлуксиз ишлаб бериш жойини ўзгартириш учун тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилишга ҳақли.

Тақсимот комиссияси ўн беш кун ичида битирувчининг мурожаатини ва тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича битирувчига мажбурий ишлаб бериш учун бошқа жойни ушбу Низом талабларига мувофиқ белгилаб беради.

70. Мазкур Низомга мувофиқ битирувчи меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли узлуксиз ишлаб беролмаган ҳолатларда унинг кейинги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қарор тақсимот комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинади.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

71. Ҳудудий адлия органи томонидан берилган йўлланма икки йил мобайнида амал қилади.

72. Йўлланма олмаган юридик техникум битирувчиларининг ҳужжатлари махсус комиссия қарори чиққандан сўнг бир йил давомида электрон дастурий таъминотда сақланади ва ундан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Олий таълим ташкилотлари бакалавриатига қабул қилинган абитуриентларнинг яқка тартибдаги суҳбат натижаларидан тегишли кўчирмалар уларнинг шахсий йиғмажилдига тикиб қўйилади, қабул қилинмаган абитуриентларнинг яқка тартибдаги суҳбат натижалари олти ой давомида сақланади ва ундан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

73. Махсус комиссия ва суҳбат комиссияси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш қонунчилик ҳужжатларида ўқув машғулотларини олиб борганлик учун белгиланган соатбай ҳақ тўлаш шартларида таълим муассасасининг бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

74. Мазкур Низомда белгиланган муддатлар ҳолисона сабабларга кўра Адлия вазирлиги томонидан ўзгартирилиши мумкин. Бунда тегишли шахслар камида ўн кун олдин муддатлар ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилинади.

75. Олий таълим ташкилоти битирувчига дипломнинг асл нусхасини у узлуксиз ишлаб бериш муддатини тамомлаганидан сўнг бир ҳафта муддатда меҳнат дафтарчасидаги ёзув ҳамда битирувчи узлуксиз ишлаб берган ташкилотнинг ёзма тасдиғига мувофиқ ҳудудий адлия органлари томонидан Ишга жойлашиш учун йўлланмалар ягона реестрига бу ҳақида киритилган тегишли маълумот асосида беради.

76. Узлуксиз ишлаб бериш муддати давомида битирувчи билан меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинса, бир кун ичида иш берувчи ҳудудий адлия органига буйруқ нусхасини илова қилган ҳолда хабар қилади.

77. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик  
техникумлари битирувчиларини “юриспруденция”  
мутахассислиги бўйича юридик кадрларни  
тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим  
ташкilotлари бакалавриатига ўқишга қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари  
битирувчиларини “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик  
кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим ташкilotлари  
бакалавриатига ўқиш қабул қилишни ташкил этиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар

Тадбирлар

Бажариш муддати

**Худудий адлия органлари томонидан йўлланмалар бериш**

<b>1-босқич</b>	<b>Йўлланмалар беришни ташкил этиш</b> 1. Худудий адлия органлари томонидан юридик техникумлар битирувчиларига йўлланмалар бериш масаласини кўриб чиқиш бўйича Махсус комиссия тузиш. 2. Юридик техникумлар битирувчилари томонидан Махсус комиссияга йўлланма беришни сўраб ариза билан мурожаат қилиш. 3. Махсус комиссиянинг мажлислар ўтказиш жадвалини тасдиқлаш ва юридик техникумлар расмий веб-сайтига жойлаштириш. 4. Махсус комиссия томонидан юридик техникум битирувчиларининг аризаларини кўриб чиқиш ва танлов ўтказиш.	Ҳар йили, 10 июндан кечикмай  Ҳар йили, 20 июндан кечикмай  Мажлис бошланишига камида бир ҳафта қолганда  Ҳар йили 20 июндан 30 июнга қадар
<b>2-босқич</b>	<b>Йўлланмалар бериш</b> 1. Йўлланма бериш тўғрисидаги худудий адлия органи бошлиғи буйруғини расмийлаштириш. 2. Йўлланма бериш ҳақидаги буйруқларни фельдъегерлик хизмати орқали Йўлланмалар ягона реестрига тегишли маълумотларни киритиш учун Адлия вазирлигига юбориш.	30 июндан кечикмай  Буйруқ чиқарилгандан сўнг бир кун ичида

**Абитуриентларни олий таълим ташкilotлари бакалавриатига  
ўқишга қабул қилиш**

<b>3-босқич</b>	<b>Олий таълим ташкilotлари қабул комиссиясига ҳужжатларни топшириш</b> 1. Олий таълим ташкilotлари расмий веб-сайтига абитуриентларни қабул қилиш параметрлари ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш. 2. Реал вақт режимида ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризани электрон шаклда тўлдириш. 3. Қабул қилиш тўғрисидаги электрон аризага тегишли ҳужжатларни электрон шаклда илова қилиш.	Қабул параметрларига оид ҳужжат қабул қилинганидан кейин беш кундан кечикмасдан  5 июль – 25 июль
-----------------	---	---

<b>4-босқич</b>	<p align="center"><b>Хужжатларни текшириш, аризаларни рўйхатдан ўтказиш ва камчиликлари ҳақида хабар бериш</b></p> <p>1. Аризаларни барча зарур хужжатлар тақдим этилган ва Йўлланмалар ягона реестрида йўлланма мавжуд бўлган тақдирда, ноёб рақам бериш орқали рўйхатга олиш ва электрон почта манзили ёки телефон рақами бўйича абитуриентга тегишли хабарнома (смс хабарнома) юбориш.</p> <p>2. Агар тақдим этилган хужжатлар белгиланган талабларга номувофиқ бўлса ва Йўлланмалар ягона реестрида йўлланма мавжуд бўлмаган тақдирда, электрон почта манзили ёки телефон рақами бўйича абитуриентга камчиликларни тузатиш ва хужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар уларни такроран тақдим этиш ҳақида тегишли хабарнома (смс-хабарнома) юбориш.</p>	Ариза берилгандан сўнг 72 соат ичида
<b>5-босқич</b>	<p align="center"><b>Якка тартибдаги суҳбатни ташкил этиш ва ўтказиш</b></p> <p>1. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвалини тасдиқлаш ва олий таълим ташкилотлари веб-сайтига жойлаштириш.</p> <p>2. Мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунишни, ихтисосликни танлашда мотивация, шахсий-касбий хусусиятлари, юриспруденция соҳасидаги билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлигини аниқлаш учун комиссия томонидан якка тартибда суҳбат ўтказиш.</p>	Суҳбат бошланишидан беш кун олдин
<b>6-босқич</b>	<p align="center"><b>Якка тартибдаги суҳбат натижаларини Давлат комиссиясига юбориш</b></p> <p>1. Якка тартибдаги суҳбат натижаларини рейтинг тизими (0 дан 100 баллгача) асосида аниқлаш ҳамда комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган мажлис баённомасига киритиш.</p> <p>2. Якка тартибдаги суҳбат натижаларини абитуриентларни бакалавриятга қабул қилиш учун олий таълим ташкилотларига юбориш.</p>	30 августга қадар
<b>7-босқич</b>	<p align="center"><b>Олий таълим ташкилоти бакалавриятга қабул қилиш тўғрисидаги ректор буйруғини қабул қилиш</b></p>	5 сентябрдан кечиктирмасдан
<b>8-босқич</b>	<p align="center"><b>Якка тартибдаги суҳбатдан муваффақиятли ўтган абитуриентлар томонидан олий таълим ташкилоти қабул комиссиясига хужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиш</b></p>	Суҳбат ўтказилган вақтдан бошлаб уч кун мобайнида

<p>9-босқич</p>	<p><b>Қабул қилишни расмийлаштириш, ўқиш учун тўловни амалга ошириш</b></p> <ol style="list-style-type: none"><li>1. Ўқиш учун контрактлар тузиш.</li><li>2. Олий таълим ташкилотлари ҳисоб рақамига ўқиш учун тўловларни амалга ошириш.</li><li>3. Талабалikka тавсия этилган абитуриентларга дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисидаги олий таълим ташкилотлари ректорлари буйруғини расмийлаштириш.</li></ol>	<p>5 сентябрдан кейин</p> <p>Шартнома шартларида белгиланган муддатда</p> <p>5 сентябрь</p>
-----------------	--	---

**Олий таълим ташкилотлари битирувчиларнинг тақсимотга мувофиқ узлуксиз ишлаб беришини амалга ошириш**

<p>X босқич</p>	<p><b>Битирувчиларни узлуксиз ишлаб бериш учун тақсимлаш</b></p> <ol style="list-style-type: none"><li>1. Битирувчиларни узлуксиз ишлаб бериш учун тақсимлашни масъул вазирликлар ва идоралар томонидан тузиладиган тақсимот комиссиялари томонидан амалга ошириш.</li><li>2. Узлуксиз ишлаб беришнинг аниқ шартларини ҳамда битирувчининг мажбуриятларини аниқ белгилаб, ҳудудий адлия органи, тегишли ташкилот – иш берувчи, олий таълим ташкилотлари ва битирувчи ўртасида 4 нусхада шартнома тузиш.</li><li>3. Олий таълим ташкилотлари томонидан ҳар бир ишга юборилаётган битирувчига олий маълумот тўғрисидаги дипломдан кўчирма бериш.</li></ol>	<p>Қоида тарикасида, битирувчи ўқишни тамомлагандан сўнг, бир ойдан кечиктирмай</p> <p>Тақсимот комиссиялари қарорлари қабул қилингандан сўнг</p> <p>Тақсимот комиссияси қарори қабул қилингандан сўнг уч кундан кечиктирмай</p>
-----------------	--	--

<p>XI босқич</p>	<p><b>Битирувчиларни ишга қабул қилиш ва уларнинг меҳнат фаолияти</b></p> <ol style="list-style-type: none"><li>1. Битирувчининг тўрт томонлама шартномада кўрсатилган иш жойига келиши ва меҳнат фаолиятини бошлаши.</li><li>2. Иш берувчи томонидан битирувчи томонидан тақдим этилган битирувчининг ишга келгани ва жойлашгани ҳақидаги ҳужжатни тўлдириш ва кейинчалик уни ҳар бир битирувчи ҳисобини юритиб бориш учун олий таълим ташкилотларига тақдим этиш.</li><li>3. Иш берувчи томонидан тўрт томонлама шартномага мувофиқ ва ишга йўлланма асосида битирувчи билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузиш.</li></ol>	<p>Тақсимотдан кейин бир ойдан ошмаган муддатда</p> <p>Битирувчи ишга келганидан сўнг беш кун муддат ичида</p>
------------------	--	--



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик  
техникумлари битирувчиларини “юриспруденция”  
мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни  
амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари  
бакалавриятига ўқишга қабул қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумларининг  
битирувчиларига бериладиган йўлланмаларни “юриспруденция”  
мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрловчи  
олий таълим ташкилотлари бўйича  
**ТАҚСИМОТИ\***

Т/р	Олий таълим ташкилоти номи	Йўлланмалар умумий сони**
1.	Тошкент давлат юридик университети	***
2.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	***
3.	Самарқанд давлат университети	15 фоиз
4.	Наманган давлат университети	15 фоиз
5.	Термиз давлат университети	15 фоиз
6.	Қорақалпоқ давлат университети	10 фоиз

**Изоҳ.**

\*Ўзбекистон Республикаси адлия вазири меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим ташкилотларининг бўйсунуви бўйича вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда мазкур рўйхатга, йўлланмалар сонига (фоизларга) ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда янги олий таълим ташкилотларини киритиш ҳуқуқига эга.

\*\*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари битирувчилари сонининг фоизи.

\*\*\* Махсус комиссия тузилишидан олдин ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан келишган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик  
техникумлари битирувчиларини “юриспруденция”  
мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни  
амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари  
бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-илова

\_\_\_\_\_ ректори  
(олий таълим ташкилоти номи)  
\_\_\_\_\_ га  
(Ф.И.О.)  
\_\_\_\_\_ дан  
(абитуриентнинг Ф.И.О (тўлиқ ёзилади))

### А Р И З А

**“Юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни  
амалга оширувчи олий таълим ташкилоти бакалавриатига  
ўқишга қабул қилиш тўғрисида**

Менга \_\_\_\_\_ йўналишида таълим олиш учун суҳбатдан  
(таълим йўналишининг номи) (ўзбек, рус)  
ўтишимга рухсат беришингизни сўрайман.

Маълумотим \_\_\_\_\_  
(ўрта махсус) \_\_\_\_\_ (таълим муассасасининг номи)  
\_\_\_\_\_ ни \_\_\_\_\_ йилда тамомлаганман.

Таълим тўғрисидаги ҳужжат (диплом): серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Суҳбатдан \_\_\_\_\_ тилида ўтаман.  
(ўзбек, рус)

Туғилган вақтим ва жойим: \_\_\_\_\_ йил,  
(йил) (ой) (кун) \_\_\_\_\_ (туғилган жойи)

Доимий яшаш манзилим: \_\_\_\_\_  
(мамлакат, вилоят, шаҳар, туман, кишлоқ, кўча, уй рақами тўлиқ)

Биометрик паспорт (идентификация ID-картаси) маълумоти:

\_\_\_\_\_ , \_\_\_\_\_  
(серия) (номер) \_\_\_\_\_ (қачон ва ким томонидан берилган)

Халқаро ёки миллий олимпиадаларда, танловларда ҳамда спорт мусобақаларида  
қатнашганлиги ҳақида маълумот (агар қатнашган бўлса) \_\_\_\_\_  
(олимпиада фани,

\_\_\_\_\_ танлов фани (ихтисослиги), спорт мусобақаси тури, ўтказилган вақти, эгалланган ўрин)

Ногиронлиги ҳақида маълумот \_\_\_\_\_  
(номи ва гуруҳи, ҳужжат реквизитлари)

Суҳбат ўтказиш қоидалари билан танишдим.

\_\_\_\_\_ (абитуриентнинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (ариза берилган сана)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик  
техникумлари битирувчиларини “юриспруденция”  
мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни  
амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари  
бакалавриятига ўқишга қабул қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-илова

**“Юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни  
амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари бакалавриятига ўқишга  
қабул қилиш бўйича суҳбатдан ўтган абитуриентнинг жавобларини  
БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ**

Сана \_\_\_\_\_

Абитуриентнинг Ф.И.О. \_\_\_\_\_

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар
1.	Давлат ва жамият қурилиши, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш, шунингдек, ижтимоий соҳа ва бошқа соҳалардаги ислохотлар ҳақида тасаввур ва фикрлаш қобилиятининг мавжудлиги	
2.	Ихтисосликни танлашда мотивация (ҳуқуқшунос касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш билдириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими)	
3.	Шахсий-касбий хусусиятларни (ўқишга қобилият, касбий вазифаларни ҳал қилишда амалий фаолият, интизомлилик, ҳамжихатлик, масъулиятлилик, қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси, шахсий ютуқлар мавжудлиги, шунингдек, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятлари)	
4.	Профессional таълими даражасида юриспруденция соҳасида ўз фикрини баён қилиш ва таҳлил қилиш кўникмаларининг мавжудлиги	

Изоҳ \_\_\_\_\_

Суҳбат ўтказиш бўйича комиссия аъзоси:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “22” ноябрдаги 705-сон қарорига  
3-илова

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент давлат юридик университетидида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 июндаги 347-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 91-модда):

а) 1<sup>2</sup>-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда, якка тартибдаги суҳбатдан муваффақиятли ўтган абитуриентларни ўқишга қабул қилиш адлия вазирининг буйруғи билан амалга оширилади”;

б) 1-иловада:

6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хорижий фуқароларни қабул қилиш тўғрисидаги аризалар Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда ТДЮУ томонидан белгиланган муддатларда қабул қилинади”;

8-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи–еттинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи–олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Суҳбат Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда ТДЮУ томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади.

Суҳбат ўтказиш муддатлари тўғрисида маълумот ТДЮУ томонидан унинг расмий веб-сайтида суҳбат ўтказилишидан камида 1 ой олдин эълон қилинади.

Хорижий фуқаролар билан суҳбат бевосита ёки заруратга кўра масофавий (онлайн) тарзда амалга оширилади”;

18-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Масофавий (онлайн) суҳбат коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилади. Бунда, ушбу коммуникация технологиялари абитуриентнинг шахсини тасдиқлаш имконини берадиган техник талабларга жавоб бериши лозим.

Масофавий (онлайн) суҳбат натижаларини баҳолаш умумий тартибда амалга оширилади”;

22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Суҳбат натижаларига кўра ТДЮУ бакалавриятига хорижий фуқароларни қабул қилиш ҳақида ТДЮУ ректори томонидан буйруқ қабул қилинади”;

23-банддаги “Давлат комиссияси қарори, қоида тариқасида, 20 августдан” сўзлари “ТДЮУ ректорининг буйруғи, қоида тариқасида, 2 сентябрдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банддаги “Давлат комиссияси” ҳамда “қарор” сўзлари тегишлича “ТДЮУ ректори” ҳамда “буйруқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банддаги “Давлат комиссияси қарори эълон” сўзлари тегишлича “ТДЮУ ректори буйруғи қабул” сўзлари билан алмаштирилсин;

26 ва 27-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“26. Хорижий фуқаролар ўқиш учун тўловни ҳар йили контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширади.

27. ТДЮУ ректорининг ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинганидан бошлаб хорижий фуқароларга дарсларга қатнашишга рухсат этилади”;

29-банддаги “хорижий фуқароларнинг Давлат комиссияси баёни” сўзлари “хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ” сўзлари билан алмаштирилсин.

**2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 808-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:**

а) 8-банддаги “ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**3. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 июндаги 453-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 6-сон, 109-модда):**

а) Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курслари тўғрисидаги низомнинг 18-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Сухбатдан муваффақиятли ўтган талабгорлар ўқув машғулотлари бошланганидан кейин уч кун мобайнида паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг асл нусхаларини тақдим этадилар”;

б) Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомда:

14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Қабул қилиш тўғрисидаги аризага паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат электрон шаклда илова қилинади.

Аризага илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат ҳақиқийлиги сақланишини таъминловчи (ҳар бир дюймга 200 нуқтадан кам бўлмаган) алоҳида файл кўринишида бўлиши керак. Ҳар бир файл ўлчами 10 Мбдан ошмаслиги лозим.

Аризани ҳужжатлар PDF (portable document format) форматида сканер қилинган нусхалари кўринишида илова қилинган ҳолда жўнатишга йўл қўйилади”;

38-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “битирув иши” сўзлари “Давлат аттестацияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

49-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“49. Тингловчиларнинг Давлат аттестациясини ташкил этиш ва ўтказишга доир талаблар ТДЮУ Кенгаши томонидан тасдиқланади”;

4-иловадаги “mavzusida bitiruv ishini Davlat attestatsiya komissiyasida bahoga himoya qildi” сўзлари “Davlat attestatsiyasida ball bilan baholandi” сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги 646-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 29-бандда:

биринчи хатбошисидаги “ушбу Низомга 1-иловага биноан намунавий шартномага мувофиқ” сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошисидаги “ушбу Низомга 2-иловага биноан намунавий шартномага мувофиқ” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 30-банднинг биринчи хатбошисидаги “ушбу Низомга 4-иловага биноан намунавий шартномага мувофиқ” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 1, 2 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 5-илованинг “Чора-тадбирлар” устунидаги 6-босқичдаги 2-бандидаги “намунавий шартномани расмийлаштириб,” сўзлари “тузилган шартномага асосан” сўзлари билан алмаштирилсин.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган ҳолда танлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги “ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича намунавий шартномага биноан” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 24-банднинг иккинчи хатбошисидаги “ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича намунавий шартномага асосан” сўзлари “шартнома асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 29-банднинг биринчи хатбошисидаги “ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича намунавий шартномага биноан” сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 1, 3 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг “Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳудудларни бириктириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тадиқлансин”;

б) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида ўқишни ташкил қилиш чоралари тўғрисида” 2018 йил 23 октябрдаги 858-сон қарорида:

а) 4-банднинг “а” кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“юриспруденция” йўналиши бўйича замонавий стандартларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус профессионал таълим мутахассисликлари ва касблари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, чет тиллари бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун гуруҳларда ўқувчилар миқдорини белгилаш”;

б) 8-банд “ишга қабул қилиш” сўзларидан кейин “ва даврий аттестациядан ўтказиш” сўзлари билан тўлдирилсин.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш қоидаларида:

а) 5-банднинг учинчи хатбошисидаги “ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофиқ тузиладиган,” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Давлат уй-жой фондидаги турар жойларни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-банддаги “мазкур Низомнинг 2-иловасида белгиланган намунадаги шаклда” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 32-банднинг еттинчи хатбошисидаги “белгиланган намунадаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 апрелдаги 282-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати органлари ва бўлинмалари шахсий таркибининг овқатланишини ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банддаги “ушбу Низомга 1-иловада келтирилган намунавий шакл бўйича” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 323-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли бўлинмаларида шахсий таркибнинг овқатланишини ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-банддаги “ушбу Низомга 1-иловада келтирилган намунавий шакл бўйича” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банддаги “ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июндаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандида:

иккинчи–учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи–бешинчи хатбошилар тегишлича иккинчи–учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида пулли хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги 669-сон қарорида:

а) 1-иловада:

10-банднинг биринчи хатбошисидаги “ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда” сўзлари чиқариб ташлансин;

2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

9-банднинг иккинчи хатбошисидаги “ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда” сўзлари чиқариб ташлансин;

2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарорида:

а) 3-бандда:



учинчи хатбошидаги “унда тўплаш мумкин бўлган умумий баллнинг 60 ва ундан юқори фоизини тўплаб” сўзлари “бирок юридик техникумлардаги тест синовларидаги ўтиш балини тўплаган” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“юридик техникумларда асосий иш жойи бўйича фаолият юритаётган педагог ходимлар белгиланган тартибда юридик техникумларнинг штат лавозимини эгаллайди ва штатларида акс эттирилади”;

б) 4-бандда:

“б” кичик банддаги “шакл” сўзи “таълим шакли” сўзлари билан алмаштирилсин;

“г” кичик банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари – юридик техникум директорларига бюджетдан ташқари (тўлов-контракт, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган) маблағлар ҳисобидан мустақил равишда:

хорижий мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида консультант, маърузачи ва ўқитувчи сифатида, хусусан онлайн режимда дарс ўтиш учун жалб этиб, уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;”;

в) 1-иловада:

4-банднинг биринчи хатбошисидаги “кам таъминланган оилалар аъзолари бўлган абитуриентлар” сўзлари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар фарзандлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – ТДЮУ) ҳузуридаги академик лицейни тамомлаган ўзлаштириш кўрсаткичларининг 56 ва ундан юқори фоизлик натижаларига эга битирувчилар ва жорий йилда юридик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун республика олий таълим муассасаларининг “юриспруденция” таълим йўналиши бўйича тест синовларида иштирок этиб, ўқишга тавсия этилмаган, бирок юридик техникумлардаги тегишли ўқув йилида тест синовларида ўтиш балини тўплаган ёки чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи В2 ва ундан юқори даражадаги давлат малака сертификатига ёки халқаро сертификатларга эга абитуриентлар кириш имтиҳонларисиз юридик техникумларга қабул параметрларидан ташқари тўлов-контракт асосида қабул қилинади”;

9-банднинг биринчи хатбошисидаги “1 июндан” сўзлари “15 мартдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Кириш имтиҳонлари бўйича Адлия вазирлиги томонидан белгиланган минимал ўтиш балидан кам баллни тўплаган, шунингдек, белгиланган вақтда имтиҳонларга етиб келмаган абитуриентлар юридик техникумларга қабул қилинмайди”;

26-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Кам таъминланган оилалар аъзолари бўлган абитуриентлар” сўзлари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларнинг фарзандлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

43-банднинг “б” кичик бандида:

учинчи хатбошидаги “кам таъминланган оилалар аъзолари” сўзлари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар фарзандлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тўлов-контракт асосида – ТДЮУ ҳузуридаги академик лицейни тамомлаган ўзлаштириш кўрсаткичларининг 56 ва ундан юқори фоизлик натижаларига эга битирувчилар ва жорий йилда юридик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун “юриспруденция” таълим йўналиши бўйича тест синовларида иштирок этиб, ўқишга тавсия этилмаган, бироқ юридик техникумлардаги тест синовларида ўтиш балини тўплаган ёки чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи В2 ва ундан юқори даражадаги давлат малака сертификатига ёки халқаро сертификатларга эга абитуриентлар ҳамда хорижий фуқаролар қабул қилинади”;

бешинчи хатбошидаги “кам таъминланган оила аъзолари” сўзлари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар фарзандлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

45-бандда:

тўртинчи хатбоши “ўқишга кириш учун” сўзларидан кейин “махсус платформа орқали электрон шаклда” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Кўшимча равишда табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагида бўлган абитуриентларни юридик техникумга қабул қилиш бўйича мурожаат қилиш ва ўқишга қабул қилиш муддатларига Адлия вазирлиги томонидан зарур ҳолларда ўзгартириш киритилиши мумкин”;

46-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“46. Республика олий таълим муассасаларида “юриспруденция” таълим йўналиши бўйича тест синовларида иштирок этиб, ўқишга тавсия этилмаган, бироқ юридик техникумлардаги тегишли ўқув йилида тест синовларида ўтиш балини тўплаган ёки чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи В2 ва ундан юқори даражадаги давлат малака сертификатига ёки халқаро сертификатларга эга абитуриентлар тўлов-контракт асосида доимий яшаш жойидаги юридик техникумга қабул қилинишлари мумкин”;

иккинчи хатбоши “20 сентябргача” сўзларидан кейин “махсус платформа орқали электрон шаклда” сўзлари билан тўлдирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига ўқишга қабул қилишни ташкил этиш схемасида 6-босқичнинг “Тадбирлар” устуни 1-бандидаги “кам таъминланган оилалар аъзолари бўлган абитуриентларни” сўзлари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар фарзандларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартибида:

5-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Биноларни тайёрлаш, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан абитуриентлар ота-оналарининг кириш тест синовлари жараёнини онлайн тарзда кузатиб боришлари, абитуриентларни шахсни идентификациялаш воситалари ҳамда видеофиксация қурилмалари орқали бинога тегишли ҳудудга киритиш, бинолардаги ва хизмат постларидаги видео ёзувлар сақланиши учун шароитлар яратиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан таъминланади”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Турух назоратчилари ва абитуриентларни тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга назорат хизмати постлари орқали киритиш, тадбир жараёнида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ички ишлар вазирлиги, ҳудудий адлия органлари ҳамда қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

Тест синовлари ўтказиладиган ҳар бир бинода Давлат тест марказининг вакилига тест материалларини сақлаш, тарқатиш ва йиғиб олиш учун мўлжалланган етарли миқдорда стол, стуллар, компьютер, сканер, стационар телефон алоқаси, доимий видеокузатув ва сейф билан таъминланган махсус хона (штаб) тайёрланади. Бунда, бинонинг ҳолати санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим”;

20-банддаги “20–25” рақамлари “25–30” рақамлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

7-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи–саккизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумларига кириш учун ҳужжатларни топшириш бўйича сўровномада:

3.2-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“3.2. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар фарзандлари”;

3.4-банддаги “ТДЮУ хузуридаги академик лицей битирувчилари (ўзлаштириш кўрсаткичининг ҳақидаги маълумотнома)” сўзлари “Чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи В1 ва ундан юқори даражадаги давлат малака сертификатиغا ёки халқаро сертификатларга эга абитуриентлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига ўқишга кириш учун имтиёзга эга бўлган абитуриентлар тоифаси ҳамда уларнинг реестрини шакллантириш учун масъул бўлган ваколатли органлар рўйхатида:

3-позиция куйидаги тахрирда баён этилсин:

“

3.	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар фарзандлари	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
----	--	--

”;

4-позиция ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги 693-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлинмаларида овқатланишни ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-банддаги “ушбу Низомга 1-иловада келтирилган намунавий шакл бўйича” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт ташкилотларини молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 январдаги 19-сон қарорида:

а) 2-иловада:

7-банддаги “ушбу Низом иловасига мувофиқ намунавий шакл бўйича” сўзлари “ўзаро” сўзи билан алмаштирилсин;

илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-иловада:

11-банддаги “2-иловада келтирилган шаклдаги” сўзлари “тарафлар ўртасида тузиладиган” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сон қарори билан тасдиқланган Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомда:

а) 35-банднинг биринчи хатбошисидаги “ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 40-банддаги “ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 43-банднинг биринчи хатбошисидаги “ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича” сўзларни чиқариб ташлансин;

г) 3, 5 ва 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент давлат юридик университети магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 августдаги 513-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2020 й., 8-сон, 198-модда):

а) 1-иловада:

7-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси, баҳолаш мезонлари, тест топшириқлари сони ҳамда вақт меъёрлари ТДЮУ томонидан Давлат тест маркази билан келишган ҳолда белгиланади”;

17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Абитуриент рўйхатдан ўтиши учун ҳужжатларнинг асл нусхасидаги қуйидаги маълумотларни Давлат тест марказининг махсус дастури орқали электрон равишда киритади:

олий маълумот тўғрисидаги диплом (ёки дипломдан кўчирма – Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) берилган таълим муассасаси номи, серияси, рақами;

хорижий тилни В2 даражасида билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат;

давлат стипендиялари билан тақдирлаш тўғрисидаги ҳужжат – мавжуд бўлганда”;

26–30-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

32-банддаги “Давлат комиссияси томонидан” сўзлари “Давлат тест маркази томонидан Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда” сўзлари билан алмаштирилсин;

49-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур тоифадаги абитуриентларни магистратурага қабул қилиш бўйича мурожаат қилиш ва ўқишга қабул қилиш, тўлов-контракт (шу жумладан табақалаштирилган тўлов-контракт) маблағларини тўлаш бўйича муддатлар, шунингдек, уларни узайтириш ТДЮУ томонидан мустақил равишда амалга оширилади”;

51-банддаги “Давлат тест маркази ҳамда ТДЮУ ўртасидаги келишувга кўра ТДЮУнинг бюджетдан ташқари” сўзлари “ушбу мақсадлар учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

2-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Хорижий фуқаролар тўпланган балларнинг рейтинг тизими асосида белгиланган ўринлар сонига мувофиқ ТДЮУ магистратурасига суҳбат (кейинги ўринларда – суҳбат) асосида ўқишга қабул қилинади.

Суҳбат Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ТДЮУ томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади.

Суҳбат ўтказиш муддатлари тўғрисидаги маълумот ТДЮУ томонидан унинг расмий веб-сайтида суҳбат ўтказилишидан камида 1 ой олдин эълон қилинади”;

4-банднинг биринчи хатбошисидаги “қабул йилининг 15 май – 30 июль кунлари давомида” сўзлари “Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда ТДЮУ томонидан белгиланган муддатларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Кириш имтиҳонлари натижалари бўйича ТДЮУ ректорининг абитуриентларни ТДЮУ магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича буйруғи қабул қилинганидан сўнг уч кун ичида ҳужжатларнинг асл нусхалари абитуриент томонидан ТДЮУга тақдим этилади”;

21-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Суҳбат натижаларига кўра ТДЮУ ректорининг ТДЮУ магистратурасига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруғи қабул қилинади”;

25-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. ТДЮУ ректорининг ТДЮУ магистратурасига хорижий фуқароларни қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи 2 сентябрдан кечиктирмай қабул қилинади”;

26-банддаги “Давлат комиссияси қарори” сўзлари “ТДЮУ ректорининг буйруғи” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

2-бандда:

“а” кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги “давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий органларида” сўзлари “давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий органлари, шунингдек, республика даражасидаги бошқа давлат органларининг марказий аппаратида” сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“мазкур Низомнинг 5<sup>1</sup>-бандига мувофиқ тегишли олий таълим муассасасининг буюртмаси асосида базавий олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар”;

“б” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий органларининг” сўзлари “давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий органлари ҳамда республика даражасидаги бошқа давлат органларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши “марказий аппаратдаги” сўзларидан кейин “мустақил” сўзи билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий судининг мустақил таркибий бўлинмалари раҳбарлари (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлинмалардан ташқари) ҳамда бошқарув кадрлари”;

4-банд “аппарати ходимлари учун –” сўзларидан кейин “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва” сўзлари билан тўлдирилсин;

5-банд “ТДЮУ магистратурасига” сўзларидан кейин “масофавий, сиртқи ва кечки таълим шакллари асосида, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“5<sup>1</sup>. Республикадаги олий таълим муассасасининг буюртмасига кўра базавий олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар ТДЮУ магистратурасига кундузги, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий, сиртқи ва кечки таълим шаклларида, кириш тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг буюртма берган олий таълим муассасасида камида уч йил тўлиқ ставкада узлуксиз ишлаш мажбуриятини олган ҳолда ўқишга қабул қилинади”;

8-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“тегишли олий таълим муассасасининг буюртмасига кўра базавий олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар учун белгиланган тартибда имзоланган ва олий таълим муассасаси бланкасида расмийлаштирилган, рақами ва берилган вақти акс эттирилган олий таълим муассасаси раҳбарининг тавсияси (ушбу Низомнинг 5<sup>1</sup>-бандида назарда тутилган асосга кўра ҳужжат топширилганда);

хорижий тилни В2 даражасида билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат”;

13-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур Низомнинг 5<sup>1</sup>-бандига мувофиқ абитуриентларни ТДЮУ магистратурасига тўлов-контракт асосида қабул қилиш мақсадида ТДЮУ, олий таълим муассасаси ва абитуриент ўртасида уч томонлама контракт (шартнома) тузилади ҳамда унда контракт тўлови суммасини белгиланган

муддатда тўлаш шарти, ўқишни тамомлаганидан сўнг буюртма берган олий таълим муассасасида уч йил давомида тўлиқ ставкада узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти кўрсатилади”;

15-банддаги “ТДЮУ Магистратура бўлимига” сўзлари “ТДЮУга” сўзи билан алмаштирилсин.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги 544-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Буюртмачи ташкилот қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш учун онлайн тарзда (Марказнинг расмий веб-сайти ёки махсус электрон дастурлар орқали) ёки бевосита Марказга мурожаат қилади”.

**21.** Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 апрелдаги 189-сон қарорининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Марказ директори томонидан ТДЮУ билан келишилган ҳолда Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари (қайта тайёрлаш курсларидан ўтиш учун шартнома асосида тўланадиган маблағлар ва бошқалар) ҳисобидан қуйидагилар мустақил равишда амалга оширилади:

Марказда ташкил этиладиган курсларга консультант, маърузачи ва ўқитувчи сифатида жалб этиладиган хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлари миқдорларини белгилаш;

Марказ ходимларига ҳар ойлик устама ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари, шунингдек, уларнинг миқдорини белгилаш”.

**22.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 572-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари педагог кадрларига нисбатан татбиқ этилмайди”.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил ~~22~~ 22 ~~ноябр~~ ноябр даги ~~705~~ 705 -сон қарорига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари битирувчиларини Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 24 июлдаги 573-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 7-сон, 192-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарорига 3-илованинг 7-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 апрелдаги 189-сон қарорига 2-илованинг 11-банди.

